

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛИМУХАМЕДОВА НОДИРА ЯДГАРОВНА

**ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФАДАГИ ЭТНОМИЛЛИЙ
КОНЦЕПЦИЯЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 101.1:141.1:316.1:39(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по философским наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Алимухамедова Нодира Ядгаровна

Замонавий фалсафадаги этномиллий концепцияларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлил.....3

Алимухамедова Нодира Ядгаровна

Социально-философский анализ этнонациональных концепций в современной философии.....25

Alimukhamedova Nodira Yadgarovna

Socio-philosophical analysis of ethno-national concepts in modern philosophy.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛИМУХАМЕДОВА НОДИРА ЯДГАРОВНА

**ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФАДАГИ ЭТНОМИЛЛИЙ
КОНЦЕПЦИЯЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Fal733 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқотлар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Садулла Отамуратов фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Насриддин Атакулович Назаров фалсафа фанлари доктори, профессор
	Юнусов Камолиддин Абзалович сиёсий фанлар доктори, профессор.
Етақчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Андижон Давлат университети ҳузурдаги PhD.03/30.06.2020.F.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» *май* соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz Андижон давлат университети Ижтимоий иктисодиёт фанлар факультети биноси, 1-кават, 101-хона).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2022 йил «*12*» *май* да тарқатилди.
(2022 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



Ф.Х.Юлдашева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, доцент

А.А.Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари доктори, доцент

Т.А.Артиков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср жаҳон тараққиётида глобаллашув ҳодисаси етакчи феномен сифатида роль ўйнади. Бугунги кунда ҳам авж олиб бораётган ушбу объектив жараён ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Глобаллашув ер сайёрасида илдам жадаллашётган интеграция жараёнларида маданий, ҳудудий ва этномиллий чегаралардаги тўсиқларни секин-аста олиб ташламоқда. Глобаллашув замонавий кўринишда интеграциянинг кўп қатламли ва серқирра тизими сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, миллий интеграциялашув муносабатлари ҳам авж олиб борар экан, келажакда миллатлар бир-бирига ассимиляциялашиб, ўзаро сингиб кетиши тўғрисидаги илмий прогнозларга қарши ўлароқ, миллий ўзликни англашнинг давр талабига қараб трансформациялашуви, миллий руҳ ва ўзликни асраб қолиш учун пайдо бўлган интеллектуал ҳаракатларнинг ортиши, этномиллий таълимот ва концепцияларнинг ҳудудлар ҳамда жойлар мисолида асосланган мазмун-моҳияти, умумбашарий ва локал характердаги назарий-методологик асослар ижтимоий-фалсафий тадқиқот ишларининг долзарблигини белгилайди.

Дунёнинг глобаллашуви туфайли «этник интеграциялашув охир-оқибат миллийликнинг йўқолишига олиб келади» каби башоратларга қарши ўлароқ, XXI асрда ҳам миллатнинг мавқеи ва ижтимоий қиёфаси кескин ўзгармади. Турли этнос ва миллатлар миллий давлатлар легитимлигининг асосий ядросини ташкил қилмоқда. Шу боисдан фанлар тизимида «этнос-халқ-миллат», «миллий идентификация», «миллий ўзликни англаш» ҳодисаларини ўрганиш тадқиқотчиларнинг тобора эътиборини ўзига тортмоқда ва мавжуд муаммо атрофида кўплаб илмий мунозараларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, жаҳонда ижтимоий фанларнинг устувор йўналишлари доирасида CERI (Франция), CESS (АҚШ), NCEEER (АҚШ), ESCAS (Англия), IFEAC (Франция), CNRS (Франция) каби илмий тадқиқот марказлари томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шу кунгача доимий, мутлақо «изчил» хизмат қиладиган классик назария яратилмагани, илмий тадқиқотлар доирасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва унинг ютуқларини амалиётга жорий этишдаги самарали механизмларини яратиш жараёнида этномиллий концепцияларнинг таҳлили, «миллат» тушунчасининг фалсафий моҳияти, миллий идентиклик жараёнлари таҳлилин кучайтириш механизмлари муаммоларини ўрганишда илмий методларнинг қўлланиши ҳар доим ҳам қутилган натижалар бермаслиги ўрганишлар жараёнида янги парадигмал ёндашувларни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш

тўғрисида», 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойили асосида ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга қаратилаган 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1018-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фалсафий фанлар тизимида шаклланган этномиллий концепцияларнинг илдизлари XVIII-XIX асрлар Гарб фалсафасига бориб тақалади. Хусусан, Ж.Боден ва Ш.Монтескье халқлар характеридаги ўзига хос хусусиятларни иқлим шароитларига, Ж.Вико ва И.Кант антропологик жиҳатларга, А.Фергюссон ва Ж.Кондорсе ижтимоий-иқтисодий омилларга, Ж.Ж.Руссо, И.Фихте ва Г.Гегель қарашларида сиёсий жараёнлар, И.Гердер таълимотида эса маданиятга боғлаб ўрганилган. Кейинчалик ушбу қараш ва назариялар таъсирида В.Дильтей, Ж.Ст.Милль, Э.Ренан, М.Вебер, Э.Дюркгейм, А.Тойнби, З.Фрейд, Э.Фромм, С.Хантингтон, К.Ясперс, П.Сорокин каби мутафаккирларнинг этнос, миллат, миллатчилик, миллий давлатчилик ҳақидаги таълимотлари шаклланиб, кейинги авлод тадқиқотчилари учун назарий-концептуал асослар яратилди¹.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб миллат ва миллатчилик масалаларига оид тадқиқот ишлари, асосан, тарих фани доирасида олиб борилиб, унда немис тарихчилари Ф.Мейнеке, Х.Кон² ўз қарашларида «миллат» ҳодисасининг шаклланиши таҳлил қилинган даврий таълимотларни таснифлаганлар.

XX-асрнинг 60-йилларидан бошлаб фанда примордиализм (primordial – дастлабки, бирламчи, қадимги) таълимоти шакллана бошлади ва унинг социобиологик йўналиши вакили ҳисобланган Ван ден Берге этник

¹ Тойнби А.Ж. Постигание истории. – М.: Айрис-пресс, 2006. – 638 с.; Фромм Э. Бегство от свободы. Человек для себя. – Минск: Попурри, 1998. – 672 с.; Хантингтон С. Столкновение цивилизации. // <http://www.krugosvet.ru/articles/107/1010513/10105131.htm>; Кто мы? – М.: Транзиткнига, 2006. – 656 с.; Саид Э.В. Ориентализм. – Санкт-Петербург: Русский мир, 2006. – 638 с.

² Кон Х. Идея национализма. Мифы и заблуждения в изучении империи и национализма. – М.: Новое издательство, журнал «Ab Imperio», 2010.

гуруҳларни мувофиқлашиб, кенгайиб борувчи қон-қардошлик гуруҳи сифатида англайди ва миллатнинг биологик жиҳатдан моҳиятини таҳлил этади. Тадқиқотчилардан Э.Шилз ва К.Гирц³лар тарихий-эволюцион ёндашув асосчилари бўлиб, улар маданиятни миллат шаклланишининг энг муҳим белгиси сифатида талқинини берадилар.

Ўтган асрнинг 80-90-йилларидан бошлаб «этник» омилни ўрганиш аҳамияти ошиб боради. Бунда миллатларнинг сиёсий мустақилликка интилишидаги беқарорликлар туфайли, сўнгги ўн йилликлар ичида миграция жараёнларининг фаоллашувига оид тадқиқотлар сонининг кўпайиши билан аҳамият касб этади. Ижтимоий конструктивизм концепцияси асосчилари А.Шюц, П.Бергер ва Т.Лукман аслида «объектив» деб тасаввур қилинган ижтимоий борлиқни субъектив билимларнинг асосида объективлашган «конструкция» экани тўғрисидаги ғояни илгари сурадилар. Постмодернизм фалсафасининг вакиллари ҳисобланган П.Бурдьенинг «габитус» назарияси, М.Фуконинг сиёсий ҳокимият билимларни ўз манфаатига бўйсундириши ҳақидаги қарашлари, Ж.Дерриданнинг Ғарб фалсафаси ва маданиятининг «деконструкция»си, Ж.Бодрийярнинг «симулякр» ва «симуляция»лар ҳақидаги қарашларида ахборот асрининг нусхалар, симулякр ва симуляцияларда «реал воқелик» билан «тасаввур» орасидаги фарқлар йўқолиб бориши туфайли воқеликнинг барбод бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлари⁴ миллат шаклланишида конструктивизм ёндашувининг назарий асосини ташкил қилди.

Миллат омилини таҳлил этишда буюк британиялик олимлар Э.Геллнер стандартлашган «юксак маданият», Э.Хобсбаум «анъаналарнинг ихтиро этилиши», Б.Андерсон миллат тасаввурдаги ҳамжамият сифатида шаклланишида ягона адабий тилнинг ва «босма капитализм» – китоб нашри сиёсатининг аҳамиятини кўрсатиб ўтадилар. Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар, хусусан, М.Хрох учун миллий ҳаракатлар, К.Дойч қарашларида коммуникациялар, Э.Кедури учун ғоялар ва уларга бўлган эътиқод омили, Ж.Бройи фикрларида давлат доктринасининг роли муҳим аҳамият касб этади. Учинчи гуруҳ олимлар, жумладан, Э.Балибар, Х.Бхабха, Л.Гринфельд, Т.Эриксен, К.Вердери, К.Калхун, А.Холид, У.Озқиримли, Р.Брубэйкерлар⁵ миллат ва «миллатнинг қурилиши»да жамиятдаги модернизациясидаги иқтисодий-сиёсий жараёнлар, маданият ва оммавий коммуникациялар

³ Гирц К. Интерпретация культур / К.Гирц. – М.: РОССПЭН, 2004. – 560 с.

⁴ Шюц А. О множественных реальностях // Избранное: Мир, светящийся смыслом. – М., 2004; Бергер П. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания / П.Бергер, Т.Лукман. – М.: Медиум, 1995; Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. – СПб., А-сэд, 1994.

⁵ Геллнер Э. Нации и национализм. – М.: Прогресс, 1991; Смит Энтони Д. Национализм и модернизм: Критический обзор современных теорий наций и национализма. – М.: Праксис, 2004. – С. 404; Андерсон Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. – М.: Канон-Пресс-Ц, 2001; Андерсон Б., Бауэр О., Хрох М. Нация и национализм. – М.: Праксис, 2002. – 680 с.; Хобсбаум Э. Нации и национализм после 1780 года / Э.Хобсбаум. – СПб.: Алетейя, 1998; Балибар Э. Валлерстайн И. Раса. Нация. Класс. Двусмысленные идентичности. – М.: Логос, 2004; Гринфельд Л. Национализм. Пять путей к современности. – М.: Per Se, 2008. – С. 527; Брубейкер Р. Размышления о национализме и патриотизме // Мифы и заблуждения в изучении империи и национализма. – М.: Новое издательство, 2010; Халид А. Создание Узбекистана. – Санкт-Петербург: Academic Studies Press /Библиороссика, 2022. – 623 с.

ривожининг аҳамияти илгари сурилган тадқиқотларда «конструктивизм ёндашуви» асосида таҳлил этилган.

Конструктивизм ва примордиализм ёндашувлари оралиғида шаклланган, этносимволизм вакиллари ҳисобланган Э.Смит, Ж.А.Армстронг, Ж.Хатчинсон, С.Гросби⁶ каби мутахассислар тарихий хотира, умумий келиб чиқиш ҳақидаги афсона, анъана ва рамзларнинг миллат, миллий идентиклик шаклланишидаги аҳамиятига эътибор қаратдилар.

МДҲ давлатларида ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб С.Соколовский, В.Тишков, А.Здравомыслов, М.Мнацакян, С.Рыбаков, В.Коротеева, С.Абашин⁷ ва бошқа олимлар ўзларининг илмий тадқиқотларида этнос, миллат, «миллат қурилиши», миллий ўзликни англаш, идентиклик масалаларини турли услубий ёндашувлар асосида ўрганиб келмоқдалар.

Марказий Осиё давлатлари тадқиқотчилари миллат, миллатнинг шаклланиши, миллий ўзликни англаш ҳодисалари бўйича қатор илмий изланишлар олиб бордилар. Хусусан, Тожикистонлик олимлар П.Шозимов, З.Авганова, С.Давлиерова, Н.Дилоев, С.Жононовларнинг илмий изланишларида миллат шаклланиши, миллий ўзликни англаш масалаларининг турли жиҳатларини таҳлил қилганлар. Қозоғистонлик олимлар Ж.Нургалиева, М.Шайкемелев глобаллашув даврида миллий давлатда этник ва фуқаролик идентиклигининг шаклланиши маданий-тарихий ҳамда ижтимоий-психологик жиҳатларини ўргандилар. Қирғиз тадқиқотчилари А.Асканов, Ч.Исраилова-Харъехузен⁸ маҳаллий шароитда миллий ўзига хослик хусусиятларини тадқиқ этганлар.

Ўзбекистонда миллий давлатчилик ривожини нуктаи назаридан миллат шаклланишининг омиллари, миллий мафкура, миллий ўзликни англаш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар мустақилликнинг илк давларидан яратила бошланди. Жумладан, С.Отамуродов миллий маданият ва миллий ўзликни англашнинг жамият трансформациясига таъсири, глобаллашув шароитларида миллий-маънавий хавфсизлик масалаларини, А.Ачилдиев миллий ўзликни англаш ҳамда миллатлараро муносабатларда

⁶ Смит Энтони Д. Национализм и модернизм: Критический обзор современных теорий наций и национализма. – М.: Праксис, 2004. – 464 с.

⁷ Тишков В.А. Откуда и куда пришла российская этнология: персональный взгляд в глобальной перспективе. // Этнографическое обозрение. 2020. № 2. С. 72–137. ; Рыбаков С.Е. Философия этноса. – М.: Прогресс, 2001. – 228 с.; Мнацакян М.О. Этносоциология: нация, национальная психология и межнациональные конфликты. – М., 1998; Абашин С.Н. Национализм в Средней Азии: в поисках идентичностей. – Москва, 2007.

⁸ Каранг: Дилоев Н.Ф. Влияние духовных традиций на формирование национального самосознания таджиков в условиях государственного суверенитета (социально-философский анализ). Автореферат дис. ... канд. филос. наук. – Душанбе, 2018; Авганова З.А. Национальный характер как объект социально-философского анализа. Диссертация... канд. филос. наук. – Душанбе, 2007. – 177 с.; Нургалиева Ж.К. Конструирование этнической и гражданской идентичности в национализирующем государстве на примере Республики Казахстан. Диссертация ... кандидата социологических наук. – Санкт Петербург, 2012. – 190 с.; Шайкемелев М.С. Казахская идентичность. Монография / Под общ. ред. З.К.Шаукеновой. – Алматы: Институт философии, политологии и религиоведения КН МОН РК, 2013. – 272 с.; Асанканов А.А. Кыргыз Синьцзяна (КНР). – Бишкек: Бийитик, 2010. – 492 с.; Исраилова-Харъехузен Ч.Р. Традиционное общество северных киргизов во второй половине XIX века и система их родства. Дис. ... канд. ист. наук. – Москва, 2002. – 309 с.

миллий мафкуранинг ўрни, Қ.Ҳоназаров совет даврида шаклланган «миллат назарияси»ни танқидий ёндашув асосида, Ш.Мадаева миллий менталитетда демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари, идентикликнинг антропологик нуқтаи назардан, В.Қўчқоров миллий ўзликни англаш ҳодисасининг сиёсий жараёнлар билан боғлиқлигини таҳлил қилганлар. Ислом фалсафаси асосида И.Худойбердиев ва И.Хўжамуродовларнинг докторлик диссертациялари миллат шаклланиши ва миллий ўзликни англашда ислом динининг ролини ўрганишга бағишланганлиги⁹ билан муҳим аҳамият касб этади. Миллат ва миллий давлатчилик тараққиётида қадриятларнинг ўрни ҳамда аҳамияти Қ.Назаров¹⁰, Ж.Туленов, А.Юнусовларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Этнограф олимлар К.Шониёзов ўзбек халқининг шаклланиш жараёнларининг тарихини, А.Асқаров ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини тадқиқ этдилар¹¹. Ёш тадқиқотчилардан М.Асқаров инглиз тилли хорижий тадқиқотларда ўзбек халқининг ўзлигини англаш масалаларини¹², З.Одинаева миллий идентикликнинг аксеологик жиҳатларидаги тамойил ва қонуниятларни ўрганган¹³. Х.Соқиев ахборотлашган жамиятда шахс идентиклигининг шаклланиш хусусиятларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини таҳлил этган¹⁴.

Миллат моҳиятини тадқиқ қилиш, этномиллий концепциялар муаммовий масалаларининг ечимини топишда фанлараро характерга эга бўлган синергетик ёндашувнинг янги концептуал имкониятлари мавжуд. Синергетика таълимотининг асосчилари Г.Хакен, И.Пригожин табиий фанлар доирасида ушбу таълимотнинг асосий тушунча ва тамойилларини ишлаб чиқдилар. Рус олимлари Е.Князева, С.Капица, С.Курдюмов, В.Буданов, А.Назаретян мураккаб тизимлар эволюцияси, очиқ тизимларнинг

⁹ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 201 б.; Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013; Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 352 б.; Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғоясининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришдаги омили. Фалсафа фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 250 б.; Мадаева Ш.О. Ўзбек менталитетига демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари. Фалсафа фан. док. ... дисс. – Тошкент: 2008; Мадаева Ш.Идентиклик антропологияси. – Тошкент: Noshir, 2015; Худойбердиев И.Э. Ислам и формирование национального сознания и психологии узбекского народа. Автореф. дис... док. филос. наук. – Тошкент, 1997. – 48 с.; Хужамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама. Автореф. дис... док. филос. наук. – Тошкент, 1995. – 48 с.; Абдуллаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине (основные проблемы, тенденции, противоречия 70-80-годы XX века). Дис... док. филос. наук. – Тошкент, 1994. – 280 с.; Хоназаров Қ. Миллат назариясига танқидий назар. – Т.: Миллий тикланиш, 1998, 16-июнь; Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. – Тошкент: Тошкент молия институти, 2004; Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий сиёсий жараёнлар. – Т.: Академия – 2007. – 56 б.

¹⁰ Назаров Қ. Н. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. – 220 б.

¹¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – 319 б.; Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

¹² Асқаров М.М. XX аср охири – XXI аср бошларидаги инглиз тилли хорижий тадқиқотларда ўзбек халқининг ўзлигини англаш масалалари. Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 57 б.

¹³ Одинаева З.И. Ўзбек миллий идентиклиги аксиологик тамойиллари ва қонуниятларига фалсафий концептуал ёндашув. Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 48 б.

¹⁴ Соқиев Х.В. Ахборотлашган жамиятда шахс идентиклигининг шаклланиш хусусиятлари. Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022. – 45 б.

ўз-ўзини ташкиллаштиришини, В.Бранский, С.Пожарский¹⁵ ижтимоий жараёнларни, хусусан, миллат моҳиятини синергетик ёндашув асосида таҳлил қилганлар. Ўзбек олимлари М.Абдуллаева¹⁶, Д.Бозоров¹⁷ синергетика парадигмасини фалсафий-методологик жиҳатдан ўрганганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетининг илмий тадқиқотлар дастури доирасидаги 2018-2020 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистонда сувга муносабат, халқимизнинг экологик ва ижтимоий тафаккурининг янгиланиш механизмларини такомиллаштириш» мавзудидаги ПЗ-20170930170 – сонли лойиҳаси бўйича олиб борилган илмий изланишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий фалсафадаги этномиллий концепцияларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлилинини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

этник ва миллий концепцияларнинг тарихий-фалсафий илдизлари, назарий-методологик ёндашувлардаги илмий таснифларнинг қиёсий таҳлилинини асослаш, ушбу концепциялар шаклланишига туртки берган шарт-шароитлар моҳиятини илмий-назарий мактаблар фаолиятидаги қарашларда ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

этномиллий назария ва ёндашувларнинг умумбашарий ҳамда миллий идентикликдаги аҳамияти ҳақида примордиализм, конструктивизм, постмодернизм ва космополитизм таълимотлари ижтимоий-фалсафий моҳиятининг миллий тараққиёт стратегиясига кўрсатадиган таъсирини асослаш;

умуминсоний тараққиётга интеграциялашув жараёнлари ва ундаги миллий идентиклик омилларининг сақланишида этномиллий концепциялар масалаларини ҳал этишда синергетик парадигманинг ролини аниқлаш;

Янги Ўзбекистон жамиятида миллий идентиклик жараёнларини оптималлаштириш йўллари ва имкониятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини замонавий фалсафадаги этномиллий концепциялар ташкил этади.

Тадқиқот предметини замонавий фалсафа соҳасида этномиллий концепцияларнинг даврий ва тизимли таҳлилининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг

¹⁵ Бранский В.П., Пожарский С.Д. Парадокс Пригожина и суператтрактор в сб.Глобализация; синергетический подход/под ред. В.К.Егорова. – М., 2002; Бранский В.П. Социальная синергетика и теория наций. – СПб., 2000. – С. 106.

¹⁶ Абдуллаева М.Н. Синергетика – новые возможности познания и действия / Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар: (илмий мақолалар тўплами) / Таҳрир ҳайъати: М.Н.Абдуллаева ва бошқа. – Наманган: НамДУ, 2009; Абдуллаева М.Н. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. – Тошкент, 2011.

¹⁷Бозоров Д.М. Синергетика парадигмасининг фалсафий-методологик таҳлили. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2010. – 155 б.

объективлик, умумий ўзаро алоқадорлик, ворисийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, тарихийлик, дискурсив таҳлил, синергетика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

этномиллий концепцияларнинг тарихий илдизларини аниқлаш орқали асосий методологик ва илмий-назарий ёндашувлар таснифлаштирилгани натижасида замонавий этномиллий концепциялар шаклланишидаги шарт-шароитлар, геостратегик мақсад ва манфаатларнинг ўрни ҳамда уларнинг назарий методологик йўналганлигининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга хизмат қилиши исботланган;

миллий тараққиёт стратегияси ҳақидаги примордиалистик концепциялар ва уларнинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамиятининг асосланиши натижасида миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамловчи омиллар аниқланган ҳамда глобаллашув даврида постмодернизм, конструктивизм ва космополитизм таълимотларининг ғоявий моҳияти ҳамда унинг миллий тараққиёт стратегиясига таъсири асосланган;

этномиллий концепциялар масалаларини ҳал этишда синергетик парадигмани қўллаш модели ишлаб чиқилган, бунинг натижасида эса тизимнинг қуйи даражадаги тартиб параметрлари миллатнинг элементи инсонни ўз-ўзини ташкиллаштириши ҳамда ижтимоийлашувнинг бирламчи агенти – оила тарбия маскани сифатида фарзандларда миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, миллий кадриятларимизга собитлик руҳида тарбиялаш миллат тараққиётининг ривожланиш йўналиши эканлиги аниқланган;

Ўзбекистон жамиятининг янгилинишида миллий идентификация жараёнини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқилиши идентикликнинг характери, кўлами, жадаллиги, кишиларни йўналтириш ва сафарбар қилиш қобилияти жамият тараққиётининг ижтимоий манбаси, давлат яхлитлиги ҳамда жамият барқарорлигини сақлаш шарти эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда акс этади:

даврий ўзгаришлар жараёнида этномиллий концепциялар шаклланишининг тарихий илдизлари мавжуд назарий-методологик контекстлар тизимида асосланган илмий ёндашувларнинг таснифи ва қиёсий таҳлили ёрдамида ишлаб чиқилган;

умуминсоний тараққиётга интеграллашув жараёнларида этномиллий эволюция муаммолари ҳамда этномиллий концепциялар масалаларини ҳал этишда синергетик тараққиёт тамойилларининг аҳамияти очиб берилган;

Ўзбекистон жамиятининг янгилинишида миллий идентиклик жараёнларини оптималлаштириш йўллари ва имкониятларига оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ОАК рўйхатидан ўрин олган маҳаллий ва хорижий илмий журналларда, республика ва халқаро миқёсдаги конференция тўпламларида чоп этилган мақолалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган

натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти диссертацияда шакллантирилган хулосаларнинг Янги Ўзбекистон шароитида кечаётган демократик ислохотларнинг самарадорлиги, миллий ўзликни англаш ва идентиклик жараёнларини назарий ҳамда эмпирик асосда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамиятида илгари сурилган хулоса қисми ва таклиф-тавсиялардан халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълими, маҳалла фаолияти ва ёшлар агентлиги ташкилотларида ғоявий ҳамда ахлоқий тарбия соҳасида фойдаланиш мумкинлиги билан намоён бўлади. Шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан, фалсафа, социология, этнология, психология ва сиёсатшуносликнинг ўзликни англаш, давлат ва жамият қурилиши, этник ва миллий концепцияларга оид назарий-амалий умумлашмаларидан махсус курс сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фалсафий фанлар тизимида шакллантирилган этномиллий концепцияларнинг даврий-қиёсий таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

этомиллий концепцияларнинг тарихий илдизларини аниқлаш орқали асосий методологик ва илмий-назарий ёндашувларни таснифлаштирилгани натижасида замонавий этномиллий концепциялар шаклланишидаги шарт-шароитлар, геостратегик мақсад ва манфаатларнинг ўрни ҳамда уларнинг назарий методологик йўналганлигининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга хизмат қилиши исботлангани ҳақидаги хулосалар Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтида ўтказилган ташвиқот-тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Марказининг 2022 йил 6 майдаги № 83-сонли далолатномаси). Илмий ишдаги таклиф ва тавсиялар маънавий-маърифий тадбирларни, тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини оширган;

миллий тараққиёт стратегияси ҳақидаги примордиалистик концепциялар ва уларнинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамиятини асосланиши натижасида миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамловчи омиллар аниқланган ҳамда глобаллашув даврида постмодернизм, конструктивизм ва космополитизм таълимотларининг ғоявий моҳияти ҳамда унинг миллий тараққиёт стратегиясига таъсири ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston tarixi» телеканалидаги «Очиқ дарс» кўрсатувлари сценарийларини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 2022 йил 18 апрелдаги № 40-40-58-41-сонли маълумотномаси). Примордиализм, конструктивизм ва инструментализм назариялари кесишмасида интеграл концепция шаклланиши зарурлигини, этномиллий концепциялар муаммовий масалаларини ҳал этишда синергетик ёндашувнинг янги парадигмал ечим

эканлигини ҳақидаги билимларни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилган;

этномиллий концепциялар масалаларини ҳал этишда синергетик парадигмани қўллаш модели ишлаб чиқилган, бунинг натижасида эса тизимнинг куйи даражадаги тартиб параметрлари эса миллатнинг элементи инсонни ўз-ўзини ташкиллаштиришда, ижтимоийлашувнинг бирламчи агенти – оила тарбия маскани сифатида фарзандларда миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, миллий қадриятларимизга собитлик руҳида тарбиялаш миллат тараққиёти йўлидаги ривожланиш йўналишлар аниқлангани ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2022 йилга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича иш режасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг 2022 йил 28 июндаги №02/03-138-сонли далолатномаси). Натижалар Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва самарадорлигини оширишга ёрдам берган;

Ўзбекистон жамиятининг янгиланишида миллий идентификация жараёнини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқилиши идентикликнинг характери, кўлами, жадаллиги, кишиларни йўналтириш ва сафарбар қилиш қобилияти жамият тараққиётининг ижтимоий манбаси, давлат яхлитлиги ҳамда жамият барқарорлигини сақлаш шарти эканлиги исботлангани ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг фаолиятида фойдаланилган (Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2022 йил 25 мартдаги № 14-07-447-сонли маълумотномаси). Натижалар қўмитанинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги турли илмий-амалий конференциялари ва семинарларини ташкил этишда, шунингдек, тарғибот материалларини тайёрлашга қўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференцияларида маърузаларда очиб берилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш нашр этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 та мақола республика ва 5 та мақола хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 160 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифлаб берилган.

Диссертациянинг «**Этномиллий концепцияларнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «этнос», «миллат», «этниклик» тушунчасининг мазмун-моҳияти, тарихий эволюцияси, ўрганилишидаги анъанавий ёндашувлар, уларнинг шаклланишидаги шарт-шароитлар ва назарий методологик йўналганлигининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Бу диссертация ишининг кейинги боблари ва илмий муаммоларини ҳал этишда, назарий ва методологик асосини таъминлаб беришга хизмат қилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ғарб давлатларида «natio», яъни этник келиб чиқиши турли-туман бўлган инсонларнинг бир давлат фуқаролари жамоаси сифатида шаклланиш тенденцияси бошланди. Машҳур француз олими Э.Ренан «Миллат нима?» номли маърузасида, миллат инсон онгининг маҳсулидир, каби фикрлари билан «миллат» феноменини тадқиқ этишда анъанавий субъектив ёки «француз» ёндашувининг асосчиси сифатида намоён бўлган. Германия худудидаги парчаланган князликларни бирлаштириш орқали ва мустақилликни қўлга киритиш долзарб бўлган бир шароитда, умумий худуд, тил, дин ва маданият белгилари миллатнинг асоси эканлиги ҳақидаги ғоялари билан немис тарихчиси ҳамда файласуфи И.Гердер «миллат» феноменини тадқиқ этишдаги анъанавий объектив ёки «немис» ёндашувининг асосчиси сифатида примордиализм йўналишини шакллантирди.

Бугунга қадар «миллат» тушунчасининг ягона, барча учун мақбул таърифи йўқ. «Миллат» тушунчаси серқирра ижтимоий феномен ҳисобланади. Ҳар бир мутахассис тадқиқотчи ушбу мураккаб ҳодисани турли ракурслардан тадқиқ қилиб, ўзи муҳим деб ҳисоблаган жиҳатлар шаклланишидаги асосий омилларни кўрсатган. Тадқиқотимиз мавзуси бўйича эътиборли адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, XIX асрнинг охирига келиб, Европа ижтимоий фалсафасида этномиллий назариялар икки анъанавий ёндашув асосида шаклланди: объектив ва субъектив ёндашув.

Бизнинг фикримизча, миллат шаклланиши объектив ва субъектив жараёнларнинг бирлигида кечади. Миллат ижтимоий феномен сифатида тарихий тараққиётнинг маълум бир даври – саноатлашиш жараёнларининг бошланиши ва сиёсий ироданинг маҳсули сифатида маълум бир худудда

азалдан яшаб келган этник гуруҳлар ҳамда уларнинг маданияти асосида шаклланган бўлади. У сиёсий-ҳуқуқий тизим ва ўз давлатчилигига эга мустақил субъект сифатида кўп қиррали, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи ижтимоий-маданий тизим ҳисобланади. Этник гуруҳлар миллат сифатида интеграциялашиши учун маълум бир чегараланган ҳудуд ва умумий хўжалик юритиш тизимида иккита объектив асос – этник маданият/маданиятлар ривожланиши ҳамда ижтимоий-маданий макон шаклланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Этнос тарихий шаклланган жамоа сифатида ўзига хос турмуш тарзи, хулқ-атвор стереотиплари ва этник ҳиссиётлар асосида онг ости даражасида ўзлигини бошқа жамоалардан афзал кўради. Этник ўзликни англаш этносга хос объектив ҳодисалар – маданият, турмуш тарзи, хулқ-атвор стереотипларининг онгдаги инъикоси сифатида, этноснинг барқарорлигини ифодаловчи субъектив асосни ташкил этади. Лекин, ҳар қандай этнос барқарорлигини фақат этник ҳиссиёт, ўзликни англаш омили таъминлай олмайди. Мазкур субъектив омилларнинг муҳим объектив омилга айланишида ижтимоий-сиёсий институт ҳисобланган давлат тизими ёрдамида этносларнинг умрбоқийлигини таъминланиши, «ягона миллат» ғояси билан йўғрилган миллийлик тушунчасининг шаклланишига хизмат қилди.

Замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида «миллат» ҳодисасини ўрганишни уч даврга бўлиш мумкин:

Биринчи давр – XX асрнинг 30-йилларида «миллат» ҳодисаси ва «миллатчилик»ни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар.

Иккинчи давр – ўтган асрнинг 60-йилларидан «миллат» феноменига қизиқишлар иккинчи Жаҳон урушидан сўнг мустамлака мамлакатларида авж олган миллий озодлик курашлари натижасида бошланди. Бу жараён миллий мустақиллик ҳамда миллат сифатида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритган учинчи дунё мамлакатларининг мустақил давлатлар сифатида дунё сахнасига чиқиши билан белгиланади.

Учинчи давр – ўтган асрнинг 80-90-йилларидан бошлаб тадқиқотчилар дунёдаги улкан ўзгаришларни совет империяси ва бошқа социалистик тузум давлатларининг парчаланиши ҳамда дунё харитасида янги миллий давлатларнинг вужудга келиши натижасида миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви билан изоҳланади. Шунингдек, бунда глобаллашувнинг жадаллашуви давлатларга сиёсий ва иқтисодий таъсир ўтказишнинг кучайиши, иқтисодий суверенитетнинг емирилиши, телекоммуникациялар ривожини, «оммавий маданият»нинг тарқалиши, «маданий гибридланиш» ҳолатларини англаш ва илмий таҳлил қилиш билан ажралиб туради.

Кўплаб ижтимоий-фалсафий мезонларга асосланган миллатлар тўғрисидаги концепцияларда бир қатор илмий таснифлар шаклланиб улгурган бўлса-да, мавжуд концепциялар орасидаги илмий дискуссиядаги асосий умумий саволлар қуйидагилардан иборат: миллат ижтимоий конструкциями ёки миллат тарихий-эволюцион тарзда бирлашган жамоами; миллат модернизм хосиласими ёки азалий ҳодисами; миллат объектив

ходисами ёки «тасаввурдаги ҳамжамият» – субъектив ходисами? Демак, муаммони ўрганишда турли хил ёндашувлар орасида деморкация чегараси, тадқиқотчилар олдида турган учта фундаментал саволдан бошланади: «Миллат нима?», «Миллатнинг табиатига қандай хусусиятлар хос?» ва «Миллат қачон шаклланган?».

Тасниф учун биринчи мезон – «Миллат нима?» саволига тадқиқотчилар қуйидаги жавобларни бермоқдалар: миллат – бу объектив воқелик; миллат – бу конструкция; миллат – бу тасаввур, яъни субъектив воқелик. Ушбу назарий позициясига кўра, тадқиқотлар примордиализм, конструктивизм, инструментализм ёндашувларига бўлинади. Тасниф учун иккинчи мезон – «Миллатнинг табиатига қандай хусусиятлар хос?»: миллат табиий ҳодиса; миллат ижтимоий табиатга эга; миллат табиий ва ижтимоийликнинг бирлигидир. Ушбу баёнотлар асосида учта ёндашувни ажратиш мумкин: примордиализм, модернизм ва этносимволизм. Тасниф учун учинчи мезон – «Миллат қачон пайдо бўлган (агар пайдо бўлса)?» саволига: миллат «абадий»; миллат модерниз даврининг ҳосиласи каби ёндашувлар мавжуд ва уларни примордиализм ҳамда конструктивизмга ажратишимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, «инструментализм» конструктивизмнинг кескин шаклидир. Шунинг учун, юқорида келтирилган миллатнинг табиати, моҳияти ва шаклланиш даври бўйича фундаментал саволлар орқали таснифлаш натижасидаги ажратилга йўналишлар аслида примордиализм, конструктивизм, этносимволизм тарзида ажратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Уч асосий концептуал платформалар – примордиализм, конструктивизм ва этносимволизм таснифи миллатлар ва миллатчилик ҳодисаларига нисбатан мавжуд тадқиқот ёндашувларининг бойлиги ва хилма-хиллигини тўлиқ қамраб олишга қодир эмас, лекин концептуал «ядро»ни ташкил этади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Постмодернистик этномиллий концепциялар дискурсининг фалсафий хусусиятлари»** деб номланади ва мазкур бобда миллат шаклланиши ҳақидаги примордиалистик концепциялар уларнинг ижтимоий тараққиётдаги роли, постмодернизм фалсафаси, ижтимоий конструктивизм ва космополитизмнинг ўзаро боғлиқлиги, глобаллашув даврида конструктивизм ва космополитизм таълимотларининг ғоявий моҳияти ҳамда унинг миллий тараққиёт стратегиясига таъсири таҳлил қилинган.

«Этнос» ва «миллат» масалалар ечимига қаратилган «примордиализм»нинг биологик ҳамда ижтимоий йўналишлари ва «конструктивизм», «инструментализм» концепциялари орасидаги дискурс давом этмоқда. Умуман олганда, «конструктивизм» «примордиализм»га қарши бўлган ёндашувлар мажмуаси сифатида маълум. Примордиализм икки йўналишга бўлинади: тарихий-эволюцион ва социобиологик йўналиш. Тарихий-эволюцион йўналиш вакили Ю.Бромлей этнос, миллат ижтимоий уюшмаси тарихий жараёнларнинг натижаси, ижтимоий тараққиёт маҳсули деб тушунтирган. Америкалик олим Ван ден Берге миллатнинг биологик

моҳиятини таҳлил этар экан, унинг фикрича, этносларнинг мавжудлиги инсонларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан заруриятдир. Рус олими Л.Гумилев ҳам биологик примордиализмнинг варианти сифатида «этник майдон» гипотезасини (пассионар назария) илгари сурди. Олимнинг фикрича, этносларнинг табиий-биологик хусусияти шундаки, улар биоорганик оламнинг асосий таркибий қисми, маълум бир географик ва иқлим шароитлари ҳосиласи эканлиги билан белгиланади.

Примордиалистик парадигма доирасида этнос ва миллат табиатига тарихий-маданий ёндашувни ажратиш мумкин. Унинг вакиллари тадқиқотчилар К.Гирц ва Э.Шилларни примордиализм парадигмасининг маданий-тарихий ёндашувининг асосчиларидир. Ғарб примордиалистлари, одамда баъзи муҳим примордиал этник хусусиятлар мавжудлигини таъкидлайдилар. Бундай тузилмавий примордиал этник хусусиятларни шакллантирувчи объектив шарт-шароитларни, инсоннинг *Homo sapiens* биологик тури сифатида филогенезидан (қд. юнон *φύλον*, *phylon* – қабила, ирк; қд. юнон *γενετικός*, *genetikos* – туғилишга алоқадор) излашга ўз тадқиқотларини йўналтирганлар. К.Гирцнинг фикрича, одамлар ҳайвонот дунёсининг тўлиқ шаклланмаган вакили сифатида дунёга келадилар, бу «бўшлиқ»ни тўлдириш учун маданиятни яратадилар ва маданият орқали ўз-ўзларини англайдилар. Одамга хулқ-атворини тартибга солиш учун маълум бир ускуртма керак, у «ўзи тўқиган маънолар тўрига ўралган ҳайвон, бу тўрлар маданиятдир»¹⁸, дейди олим. Айнан маданият одамларнинг ижтимоий ҳаётида «примордиал воқелик» ўрнини эгаллайди, одамнинг дунёга бўлган муносабатини шакллантиради, унинг атрофдаги объектив воқелик билан ўзаро таъсирини ўзгартириб, ижтимоий амалиётнинг янги рамзий маъноларини яратади. Маданият рамзий шакллар тизими орқали бойитилади, узатилади ва мерос бўлиб ўтади.

Миллат ва миллатчилик назариётчилари орасида Э.Смит примордиализм ҳамда модернизм концепцияларини синтез қилишга ҳаракат қилиши билан ажралиб туради. Унинг фикрича, этносимволизм таълимоти примордиализм ва модернизмга хос бир ёқламалик, кескинликдан холидир. Бундан ташқари, Э.Смит этносимволизмни миллатларнинг тарихий ўтмиши муҳим бўлганлар билан миллат моҳиятини замонавий услубларда тадқиқ қилувчилар орасидаги муросаси сифатида тушунади. Демак, Э.Смитнинг концепциясига кўра, миллат, этногенез жараёнларида ташкил топган этник жамоалар асосида шаклланган, лекин бу жараёнда афсоналар ва рамзлар муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий конструктивизм субъектив жараёнлар ва мақсадларни объективлаштириш, «билим»ни қадрият ёки дунёқараш мавқеида институтлаштириш демакдир. Постмодернизмда ҳам объектив воқелик аслида субъектив билимларни объективлаштириш асосида шаклланади. М.Фуко билимлар ҳокимият томонидан яратилади ва билимлар тарихий

¹⁸ Гирц К. «Насыщенное описание»: В поисках интерпретативной теории культуры // Антология исследований культуры. Том 1. Интерпретации культуры. – СПб., 1997. – С. 173.

даврларни тубдан ўзгартиради, деган ғояни илгари суради. Билим ҳокимиятнинг мақсад ва вазифалари асосида шаклланиши ҳақидаги қарашлари «ҳокимият-билим» концепциясида ўз аксини топди. П.Бурдьё телевидение рамзий тартибни сақлаш воситасига айлангани ва ижтимоий воқеликни конструкциялашда массмедиянинг ўрнига алоҳида аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, телевиденияга «omnibus» (лотин тилида «ҳаммага, ҳамма учун, ҳар бирига») – бу «ҳеч кимни шокка туширмайдиган фактлар, уларнинг ортида ҳеч нарса йўқ, уларни (одамларни А.Н.) қарама-қарши томонларга ажратмайди ва умумий консенсусга сабаб бўладиган воқеалар»¹⁹ ёрдам беради. Конструктивизм ижтимоий ҳодисаларни борлиқ сифатида эмас, балки инсонлар тажрибасининг маҳсули сифатида эътироф этади. Конструктивистик ёндашув примордиализмдан фарқли миллатни инсон онги ва тажрибаларининг маҳсули – «конструкция» сифатида талқин қилади.

Ғарбда «конструктивизм» атамаси билан бир қаторда «модернизм» атамаси ишлатилади. Модернизм концепциялари миллат ва миллатчилик шаклланишининг асосий омили сифатида қуйидагиларни санаб ўтади: индустрлашган жамиятни сиёсий жиҳатдан марказлашгани; бандлик жиҳатидан мобиллиги юқори эканлиги; турли мураккаб маълумотларни узатиш учун самарали алоқа воситаларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилгани; кўп касбларни эгаллашга узок муддат талаб қилиниши, чунки катта ҳажмдаги билим ва кўникмаларини ўзлаштириш зарур эди; катта ҳажмдаги мураккаб билим ва кўникмаларни фақат катта сиёсий тизимнинг маданий инфратузилмаси доирасида олиш мумкинлиги; капитализмда «китоб нашри» сиёсатининг бирлаштирувчи таъсири ва адабий тилнинг алоқа воситаси сифатида тарқалиши; умумий таълим ёрдамида миллий онгни шакллантириш.

Ижтимоий конструктивизм тамойиллари қуйидагилардан иборат, биринчидан, конструктивизм таълимотига кўра, объектив оламни истаганимизча ўзгартиришимиз мумкин; иккинчидан, коммуникация жараёнларида воқеликни яратиш муҳим ва узатишларда мазмун эмас, балки муносабат асосий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади; учинчидан, миллатни субъектив ижтимоий конструкция – инсон онгининг маҳсули, лекин объектив реаллик сифатида идрок этади; тўртинчидан, миллат интеллектуал ва сиёсий элитанинг ҳаракатлари эвазига ақлий фаолиятнинг натижаси, барча тан олган «реаллик» сифатида институтлаштирилади. Натижада, миллий ўзликни англашнинг шаклланиши миллат ҳақидаги «билимлар»ни объектив реал эканлигини тасдиғи сифатида эътироф этилади. Бунда миллат – ижтимоий конструкция, миллий мафкура эса уни объективлаштирувчи омил ҳисобланади.

Диссертациянинг «Этномиллий концепциялар масалаларини ҳал этишда синергетик парадигманинг миллий тараққиёт стратегияси

¹⁹ Бурдьё П. О телевидении и журналистике / П.Бурдьё. – М.: Фонд научных исследований «Прагматика культуры», Институт экспериментальной социологии, 2002. – С. 30.

амалиётига таъсири» деб номланган учинчи бобида миллатнинг шаклланиши, миллий идентификация жараёнларини тадқиқ этишда фанлараро характерга эга бўлган синергетик услубнинг янги концептуал имкониятлари ва миллий тараққиёт стратегиясининг амалиётига таъсири, Ўзбекистон жамиятининг янгиланишида миллий идентификация жараёнини оптималлаштириш йўллари ва имкониятлари таҳлил қилинган.

Инсоният цивилизацияси динамик характерга эга бўлиб, узоқ тарихий тараққиёт жараёнларида мураккаблашиб борар экан, парчаланиш, ҳалокат, муваффақиятсизлик ва инқирозга мойилликни кўрсатади. Европалик социолог ва файласуф У.Бек ўз асарларида – «хавф жамияти» ҳақидаги машҳур рисолаларида глобаллашув ҳамда демократия ҳақидаги тадқиқотларга асосланиб, замонавий дунёнинг тартибсиз ва тобора хаотик ҳолатга ўтмоқда, деб баҳолайди.

Ҳозирги кунда энг истиқболли фанлараро ёндашувлардан бири синергетика ҳисобланади. Синергетиканинг қонуниятлари ва тамойиллари асосида мураккаб ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш жараёнида, ижтимоий ва табиий ҳодисалар умумий фундаментал асосга эга эканлиги аниқланган. Ижтимоий синергетика билишнинг янги услуби сифатида кенг тарқалар экан, бу борада постсовет маконидаги айрим олимлар янги услубни диалектиканинг инқори сифатида тушунган эдилар. Бизнинг фикримизча, тизимнинг тузилмавий-функционал яхлитлиги сақланган, барқарор ҳолатидаги ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини ўрганишда диалектика услуби билиш чегараларини кенгайтирса, тизимдаги тузилмавий-функционал беқарорликдан тортиб, яхлитлигини сақлаб қолиш мақсадида ўз-ўзини ташкиллаштириши ёки тизимнинг парчаланиши, элементларини тартиблиликдан хаосга ўтиши, сўнгра эса янада мураккаб тартибни шаклланиш жараёнларини синергетика услуби ёрдамида билиш имкониятларимиз ошади.

Ижтимоий тизимлар мураккаб диссипатив тизим бўлиб, бу «очиқ» тизимлар ташқи муҳит билан доимий тарзда модда алмашинуви асосида алоқада бўлади. Замонавий талқинда хаос – тартибсизлик, шаклсизлик, ноаниқлик, структурасизлик, беқарорлик, стихиялилик демакдир. Хаос ҳолатида тизимда қайта ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг бир неча варианты, тармоғи, ҳаракат йўналиши (бифуркация ёки полифуркация) бўлиши мумкин. Бифуркация эволюциянинг янги йўлини танлаш имконияти – «ривожланиш йўналишларининг майдони»да ҳар бир инсондан тортиб барча инсонлар ҳаёти давомида, миллатлар тарихий тараққиёт жараёнларида кўплаб маротаба танловни амалга оширишлари мумкин ва бу зарур. Узоқ тарихий тараққиёт давомида инсонлар, халқлар, давлатлар, жамиятлар «Бир йўлдан воз кечиб, бошқа бир йўлни танлайдилар». Бу танлов маълум бир манфаатлар, демак, идеаллар асосида ҳаракатланувчи инсонлар томонидан амалга оширилган. Бу ҳолда тизимни беқарорлиги турли манфаатлар ва идеалларнинг ўзаро тўқнашуви билан ҳам белгиланиши мумкин. Беқарорлик, флуктуация имкониятлардан бирини танлаш, башоратнинг чекланганлиги

синергетик дунёқарашнинг асосини ташкил этади. Флуктуация тизимнинг мувозанат ҳолатидан тасодифий, тартибсиз ҳолда четланиши, деб ҳисобланади. Тасодиф аслида имкониятнинг воқеликка ўтишидаги кўпвариантлик ёки синергетик нуқтаи назардан бифуркация ёки полифуркациядир.

